

ДАВЛАТНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК СУБЪЕКТЛИЛИГИГА ДОИР НАЗАРИЯЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Пўлатжон Илҳом ўғли ОВУЛОВ

мустақил изланувчи
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тошкент, Ўзбекистон
e-mail: ovulovp@mail.com

Аннотация

Мақолада давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъектчилигига доир мавжуд назариялар таҳлил қилинган ва перспектив жиҳатдан рақамли иқтисодиёт шароитида бундай назариялар қандай ўзгаришларга эгалиги махсус жадвалда намоён этилган.

Таянч сўзлар: давлатнинг фуқаролик жавобгарлиги назариялари, компенсация назарияси, субсидиялар жавобгарлик назарияси, мажбуриятлар назарияси, деликт билан боғлиқ жавобгарлик назарияси.

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТЕОРИЙ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ГОСУДАРСТВА

Пулатжон Илҳом оглы ОВУЛОВ

независимый исследователь
Академия наук Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
e-mail: ovulovp@mail.com

Аннотация

Автор проанализировал существующие теории о субъективности гражданско-правовой ответственности государства и в специальной таблице показал, какие изменения претерпевают эти теории в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: теории гражданско-правовой ответственности государства, теория компенсации, теория субсидиарной ответственности, теория обязательств, теория ответственности из деликта.

Ҳуқуқ назариятчилари қонун ҳақида фикр юритганда, улар бунинчидан икки мавҳумлик даражасидан бирида амалга оширадилар. Бир томондан, “Ҳуқуқ нима?” — деган савол хусусида мунозаралар олиб борилмоқда. Улар ижтимоий ҳодиса сифатида кенг маънода қонунни англагучи ҳисобни тақдим этишга интилади. Бу А. Хартнинг “Ҳуқуқ концепцияси” асари ва табиий ҳуқуқшунослар, шарҳловчилар ва Харт томонидан пайдо бўлган ҳуқуқий позитивистларнинг кўпайиб бораётган

жамоалари ўртасидаги мунозараларнинг рельефидир [11]. Бошқа томондан, ҳуқуқнинг муайян субстантив соҳаларига бағишланган назарий адабиётлар сони кўпайиб бормоқда. Масалан, шартнома ҳуқуқининг меъёрий асослари ёки ҳуқуқбузарликка оид ҳуқуқнинг аналитик уйғунлиги бўйича баҳс-мунозараларимиз бор [12].

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқининг ҳар бир субъекти мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликка тортилади. Бу бошқа шахсларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш жиҳатидан катта аҳамият касб этади. Фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлган ҳар қандай шахс (жисмоний ёки юридик шахс, шу жумладан давлат) ҳам ўзининг мажбуриятлари учун жавобгардир. Айнан мазкур мажбуриятлар ва ҳуқуқлар ҳам фуқаролик жавобгарлигининг предмети ҳисобланади. Давлат каби фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари, агар улар ўзига юкланган вазифаларни бажармаган бўлса, фуқаролик жавобгарлигининг субъекти сифатида бошқа шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши, жарима тўлаши лозим.

Давлатга нисбатан фуқаролик жавобгарлигини қўллашда, биринчи навбатда, давлатнинг таркибий мураккаблигини ҳисобга олиш керак. Чунки фуқаролик жавобгарлигини давлатга нисбатан қўллаш жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жавобгарликни қўллашга қараганда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик субъекти аниқ жисмоний шахс бўлса, яъни субъектни белгилашда ҳеч қандай қийинчилик бўлмаса, давлат мисолида давлат таркибидаги қайси аниқ давлат органи ёки юридик шахс жавобгар бўлиши кераклигини аниқлаш керак.

Мазкур талаб давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъектлигига доир компенсация назариясининг асосий таърифини ташкил қилади.

Иккинчидан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг жавобгарлигидан фарқли ўлароқ, давлатнинг ўз органлари ва юридик шахсларининг хатти-

ҳаракатлари учун субсидиар жавобгарлиги одатий ҳодисадир. Мазкур масала субсидиар жавобгарлик назариясидан келиб чиқади.

Фуқаролик жавобгарлигини давлатга нисбатан қўллашнинг биринчи жиҳатини муҳокама қилишда шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан қўплаб давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муниципал тузилмалар иштирок этади. Бундан ташқари, давлат органлари ва юридик шахслар фуқаролик-ҳуқуқий битимларни юқори турувчи органнинг фармойишлари ва қонуний кўрсатмалари асосида амалга оширадилар. Бундай ҳолларда ким жавобгар бўлишини аниқлаш алоҳида қийинчилик туғдиради.

Е.Сухановнинг фикрича, давлатнинг фуқаролик жавобгарлиги масаласи унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси мақомини белгилаш билан бевосита боғлиқдир. Фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, улар томонидан махсус ваколат берилган бошқа органлар иштирок этадилар (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 79-моддаси). Ҳар бир оммавий юридик шахс ўз мулкисининг эгаси бўлиб, у бошқа ҳар қандай оммавий юридик шахс учун жавобгарликни рад этади [9].

Ушбу фикрни давом эттирадиган бўлсак, айтиш мумкинки, давлат органлари ва улар ваколат берган бошқа органлар давлат номидан иш олиб борар экан, юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар учун ҳам мустақил жавобгардирлар. Бу эса, жавобгарликнинг мажбуриятлар концепциясини ўртага қўяди.

Фуқаролик жавобгарлигини давлатга нисбатан қўллашнинг иккинчи хусусияти шундаки, давлатнинг фуқаролик муносабатларида иштирок этиш шаклларида келиб чиққан ҳолда, унинг фуқаролик жавобгарлигини белгилашга ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралиши лозим.

Бугунги кунга қадар давлатнинг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 80-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилган. Мазкур нормадан келиб чиқадики, давлат ўзи яратган юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, давлат томонидан тузилган юридик шахс ҳам ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат кафиллигини (кафилликни) ўз зиммасига олган ҳоллар бундан мустасно. Уларнинг барчаси айнан мажбуриятлар назарияси билан боғлиқдир [13].

Бироқ давлат ва унинг юридик шахслари иштирокидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарликни белгилаш мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу, биринчи навбатда, корхоналарнинг бозордаги мулкӣ мақомидан фуқаролик ҳуқуқи субъекти мақомига ўтиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, корхона (юридик мақомга эга бўлган бошқа юридик шахслар каби) бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг субъекти ва объекти ҳисобланади. Корхоналар ва юридик шахслар фуқаролик-ҳуқуқӣ битимларда юридик шахс сифатида ўз номидан иш олиб боради, шартномалар ва битимлар тузади ҳамда мулкӣ мажмуа сифатида сотилиши (ФК 85, 489–496-м.), рентага берилганлиги (ФК 512–529-м.), ижарага берилганлиги (ФК 579–586-м.), ишончли бошқарувга берилганлиги (ФК, 849–861-м.) давлат жавобгарлиги билан юридик шахснинг давлатга тегишли жавобгарлиги ўртасидаги фарқлар ва чегараларни, шунингдек давлат мулки бўлган юридик шахслар ва органларнинг мажбуриятлари бўйича давлатнинг субсидиар ва солидар жавобгарлиги мезонларини аниқ белгилаш зарур. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, бозор шароитида давлат мулки бўлган юридик шахслар ўз фаолиятини нафақат тезкор бошқарув ва хўжалик юритиш асосида, балки бошқа қонуний асослар ва шартлар асосида ҳам амалга ошириши мумкин.

Шу муносабат билан, давлатнинг фуқаролик жавобгарлигини бевосита ва билвосита жавобгарликка бўлиш орқали ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи ҳолда, фуқаролик муомаласида бевосита ўз номидан ҳаракат

киладиган давлат ўз мажбуриятлари бўйича мустақил равишда жавоб беради, иккинчи ҳолатда эса – давлат мулки бўлган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича давлатнинг жавобгарлиги ҳақида сўз боради. Иккинчи ҳолатда давлат жавобгарлиги билан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ёки шартнома асосида субсидиар ёки солидар жавобгарлик юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 72-моддаси иккинчи қисмига кўра, давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича давлат субсидиар жавобгар бўлади. Давлатнинг субсидиар жавобгарлиги масаласини ўрганаётганда, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини эсга олиш зарур. Германияда юридик шахслар иккита асосий гуруҳга бўлинади – оммавий ҳуқуқнинг юридик шахслари ва хусусий ҳуқуқ. Давлат муассасалари ёки Анстальт (бошқарув органлари, кредит ташкилотлари, алоқа, транспорт, коммунал хизматлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) оммавий юридик шахслардир (Германия Фуқаролик кодексининг §89). Уларнинг мақоми оддий бошқарув органлари мақомига жуда яқин [3]. Францияда давлат (оммавий) институтлари мустақил юридик шахс бўлмаган алоҳида корхоналар йиғиндисидан иборат.

Бир томондан, бу муассасалар хусусий корхоналарга яқин, бироқ бошқа томондан, улар оммавий ҳуқуқ функцияларини ва давлат назоратини амалга оширади [1]. Шуни таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган даврда давлатнинг фуқаролик жавобгарлигининг субъективлиги анча тор доирада кўриб чиқилган. Қоида тариқасида, давлат том маънода фуқаролик жавобгарлиги субъекти сифатида тан олинмаган. Бироқ 1961 йилдаги Фуқаролик қонунчилиги Асосларида давлат муассасаларнинг қарзлари учун жавобгар бўлган. Ўша даврда ҳам цивилист олимлар давлатнинг масъулиятини тан олган бўлсалар ҳам, бундай жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баҳслашдилар. Хусусан, А.В.Венедиктов ўз асарларида бундай жавобгарликни барча ҳолатларда субсидиар жавобгарлик, деб тан олган. Аксинча, С.Н.Братусь барча ҳолатларда шўъба корхона сифатида муассасанинг мажбуриятлари бўйича давлатнинг жавобгарлигини

тан олмади. Унинг фикрича, биринчидан, давлат ғазнаси жавобгар бўлган бюджет маблағлари Захира жамғармасига эмас, балки алоҳида давлат органлари ихтиёрига ўтказилади; иккинчидан, муассасанинг қарзлари давлат томонидан эмас, балки муассасанинг ўзи томонидан қопланади, чунки давлат уни кредитлар билан таъминлайди, шунга кўра, муассаса ўз қарзлари бўйича мустақил равишда жавоб беришга қодир [2]. В.А.Дозорцевнинг сўзларига кўра, бу муносабатларни шўба деб аташ мумкин эмас, чунки биз молиявий ва ҳуқуқий характердаги қоидаларни яратиш ҳақида гапирамиз [5]. А.П.Гринкевич, шунингдек ушбу институтларнинг мажбуриятлари бўйича давлат жавобгарлигининг субсидиарлиги мунозарали эканини таъкидлайди [4].

Фикримизча, бу борада В.А.Венедиктовнинг фикрларини таъкидлаш лозим. Муассаса фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ўз мажбуриятлари бўйича ўзига бириктирилган мол-мулк билан жавоб беради. Агар муассасанинг мол-мулки ўз мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаса, қарзнинг қолган қисми муассасага бириктирилган мулк эгаси сифатида давлат томонидан қопланади. Бундай ҳолда, давлат муассасанинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар бўлган асосий шахс эмас. Тўғрироғи, у юридик шахснинг таъсисчиси ва унинг мол-мулкининг эгаси бўлганлиги учун муассасани жавобгарликка тортиш жараёни натижасида бу муносабатларда иштирок этади. Агар муассаса ўзига бириктирилган мол-мулкдан ўз мажбуриятларини тўлиқ тўласа, давлат бу муносабатларда иштирок этмайди. Бошқача айтганда, етказилган зарар давлат бюджети ҳисобидан қопланмайди. Агар муассасага бириктирилган мол-мулк унинг мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлмаса, шундан кейингина давлат ушбу муносабатларга киришади ва муассасанинг қарзларини ўз ҳисобидан тўлайди. Бунда давлат жавобгарликнинг қўшимча субъекти ҳисобланади. Яъни, муассасанинг мажбуриятлари бўйича мажбурий ва асосий жавобгарлик ҳақида гап йўқ; иккиламчи ва қўшимча

жавобгарлик тан олинади. Бу давлатнинг ушбу ҳолатда жавобгарлиги субсидиар жавобгарлик, - деган хулосага келиш учун асосдир.

Э.Пруснинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқида давлат муассасанинг мажбуриятлари бўйича бошқа шўъба қарздорларга нисбатан жавобгарлик бўйича имтиёзли мавқега эга (масалан, тўлиқ ширкатнинг шериги ёки масъулияти чекланган жамият иштирокчиси тегишли юридик шахс кредит шартномаси доирасидаги мажбуриятни қабул қилишдан бош тортган вақти ёки “мажбуриятни” бажармаган тақдирда субсидиар жавобгар бўлади), давлат фақат муассасанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда субсидиар жавобгар бўлади [7]. Х.Раҳмонқуловнинг фикрича, субсидиар жавобгарлик учинчи шахснинг қарздор томонидан тўланмаган қисмига нисбатан қўшимча жавобгарлигидир. Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади [8]. Дарҳақиқат, субсидиар жавобгарлик ҳолатида давлат учинчи шахс сифатида, агар унга тегишли бўлган муассаса ёки корхона ўз мажбуриятларини тўлиқ қоплаш учун етарли бўлган мол-мулкка эга бўлмаса, қарзнинг қолган қисмини қўшимча равишда қоплаши шарт. Бунда давлатнинг қўшимча жавобгарлиги унинг мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини бажаришида ифодаланади.

Фуқаролик кодексининг 329-моддасига кўра, кредитор қонунчилик ҳужжатларига ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлиги (субсидиар жавобгарлик) билан бир қаторда жавобгар бўлган шахсга нисбатан даъво қўйишдан олдин асосий қарздорга даъво қўйиши шарт. Демак, давлат корхонаси кредитори, биринчи навбатда, давлат ёки давлат корхонаси таъсисчисига эмас, балки корхонанинг ўзига нисбатан даъво қўйиш ҳуқуқига эга. Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор оқилона муддатда кредитордан жавоб ололмаса, даъво субсидиар жавобгар бўлган шахсга нисбатан қўйилиши мумкин. Давлат корхонасининг мажбуриятни бажаришдан бош тортиши ёки уни оқилона муддатда рад этиши кредиторга

давлатга даъво қўйиш имконини беради. Бунда давлат ёрдамчи жавобгар сифатида кредиторнинг талабларини бажариши шарт.

Фуқаролик кодексининг 329-моддаси учинчи қисмига кўра, кредитор асосий қарздорга нисбатан ўз талабини қаноатлантиришни субсидиар жавобгар бўлган шахсдан талаб қила олмайди, агар бу талаб асосий қарздорга қарши даъвони ҳисоб-китоб қилиш ёки асосий қарздордан пул маблағларини баҳссиз ундириш йўли билан қаноатлантирилиши мумкин бўлса. Бунда, агар давлат корхонаси ва кредитор ўртасида муайян муқобил даъволар мавжуд бўлса ёки давлат корхонаси ўз мажбуриятларини бажариш учун етарли мол-мулкка эга бўлган тақдирда, давлат корхонасининг кредитори корхонанинг мажбуриятини бажаришни давлатдан талаб қилишга ҳақли эмаслиги аниқланади. Айрим экспертлар давлатнинг фуқаролик жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлатнинг фуқаролик жавобгарлиги асослари тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш зарурлиги тўғрисида фикр билдиришмоқда [10]. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, агар шундай қонун ишлаб чиқилса, унда давлат жавобгарлигининг асосий мезонлари ва чегаралари белгиланиши, давлат номидан қайси органлар жавобгар бўлиши, етказилган зарарнинг тўлиқ ҳажми ўз аксини топган бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Фуқаролик кодексида юқорида кўрсатилган ҳолларда етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий асослари белгиланган бўлса-да, етказилган зарарни қайси давлат органи қоплайди, даъво қайси давлат органига қўйилиши керак, деган саволлар туғилади. Дарҳақиқат, зарарни давлат органининг ўзи ёки мансабдор шахс тегишли бўлган идора тўлаши керак. Бироқ давлат маблағлари умумий ва ягона давлат бюджетида жамланганлигини ҳисобга олиб, зарар учун жавобгарликни бевосита давлат бюджетини учун масъул бўлган орган – молия органларига юклаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, тегишли ҳудуддаги (жабрланувчи ёки давлат органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи жойлашган) молия органига даъво аризаси берилиши мумкин. Чунки молия органлари давлат бюджетига

маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланишини назорат қилиб, ушбу фаолиятни амалга оширишда давлат томонидан қилинган харажатларни ҳам бевосита ҳисобга олишлари шарт. Албатта, давлат бюджети ҳисобидан зарарни қоплаш учун тегишли суд қарори талаб қилинади. Ушбу қарор асосида молия органи жабрланувчига (давлат ёки маҳаллий ҳокимият бюджетидан) тегишли маблағлар тўланишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги қонунда етказилган зарарни қоплаш мажбурияти бевосита мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши белгилаб қўйилган. Мазкур қоида Фуқаролик кодексида киритилган ўзгартиш бўлиб, фуқароларнинг етказилган зарарни тўлиқ қоплашга бўлган ҳуқуқларини чеклайди. Масалан, зарар етказганликда айбланган мансабдор шахс товон учун жавобгарликка тортилади. Бироқ улар зарарни тўлиқ қоплаш учун етарли маблағга эга эмаслар. Бундай ҳолларда жабрланувчи етказилган зарарни тўлиқ қоплай олмайди. Қолаверса, фикримизча, мансабдор шахс зиммасига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини суд қандай асосларга кўра юкламоқда? – деган савол мантиққа тўғри келмайди. Мансабдор шахслар давлат номидан иш тутганлиги сабабли уларнинг хатти-ҳаракатлари улар учун эмас, балки давлат учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларига мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишга оид ўзгартишлар чиқариб ташланди. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш зарурати ҳозирги кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. У ислоҳот жараёни талабларини ҳисобга олган ҳолда эволюцион тарзда ривожланиши керак. Қолаверса, бозор иқтисодиётининг ўзига хос конституцияси бўлган Фуқаролик кодексининг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (LexUz)да 19 та кодекс мавжуд. Лекин улар орасида Фуқаролик кодекси ҳеч бир муболағасиз муносабатларнинг кенглиги ва

хилма-хиллиги билан алоҳида ўрин тутати. Мазкур Кодекс бошқа қонунлардан, хусусан, мамлакатимиз миллий қонунчилик базасининг кодексларидан ўзининг мазмуни ва қўлами, шунингдек нисбатан барқарорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 5 апрелдаги Р–5464-сон фармойишида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикасининг 1995–1996-йилларда қабул қилинган Фуқаролик кодекси фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни кенг қўламли қайта ўзгартириш даврини таъминлашда муҳим рол ўйнади ва уни кенг қўламли қайта ишлашга имкон берди”, мамлакатда бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳуқуқий асоси” сифатида хизмат қилди [6]. Дарҳақиқат, УНИДРУА тамойилларида белгиланган товар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини таъминловчи кодификацияланган қонун – Фуқаролик кодекси ўша даврда унга юкланган вазифани бажарган дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига 204 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (2025 йил 22 апрель). Бугунги кунга қадар Кодексдан 12 та модда чиқариб ташланди, тўртта қўшимча модда қўшилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳозирда 1199 та модда мавжуд. Бироқ дунёда изчил сифат ўзгаришлари юз бераётган бир шароитда тадбиркорлар, хусусий мулкдорлар, салоҳиятли хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш бугунги куннинг устувор вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мазкур фармойиш фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро андозаларга мувофиқ модернизация қилиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида муҳим қадам бўлди. Чунки фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш, жумладан, Фуқаролик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни назарда тутати. Ишлаб чиқиши

кутилаётган кодекс давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартиришга, мулкдорнинг мулк ҳуқуқини, хусусий мулкни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини кенгайтиришга, айирбошлаш қобилиятини, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ва инвестиция муҳитини яхшилашга, пировардида, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ компенсация назарияси субсидиар жавобгарлик назарияси ва мажбуриятлар назарияси мавжудлигини кўрсатади. Проспектив жиҳатдан таҳлил қилсак, келажакда бу назариялар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топиши мумкин. Унда давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги шакллари кўрсатилиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектнинг ривожланиш палласидаги вазият намоён этилади.

Жадвал

Назария номи	Манбалар	Қўллаш соҳалари
Деликт жавобгарлик назарияси	ФК, суд амалиёти	Фуқароларни ҳимоялаш, зарар учун жавобгарлик
Шартнома жавобгарлиги назарияси	ФК, шартнома ҳуқуқи	Давлатнинг шартномаларни ижро этиши, давлатнинг мажбуриятлари
Йўқотишлар учун жавобгарлик назарияси	Суд ҳал қилув қарори, назария	Давлат томонидан йўқотишлар учун берилган компенсация тўловлари
Жавобгарликни тартибга соливчи бошқарув назарияси	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маъмурий ҳуқуқ	Тартибга солиш соҳасидаги бузилишлар учун жавобгарлик
Сунъий интеллект/СИ/ учун жавобгарлик назарияси	Илмий изланишлар, халқаро келишувлар	СИни давлат органларида қўлланилиши, маълумотлар хавфсизлиги
Кибертаҳдидлар учун жавобгарлик назарияси	Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунлар, халқаро стандартлар	Киберҳужумлардан ҳимояланиш, маълумотларни очиқ бўлиб қолгани учун жавобгарлик

Ушбу жадвалда давлатнинг жавобгарлиги қандай шаклларда тус олиши тез ўзгарувчан рақамли дунё шароитларида намоён бўлиши фарзли равишда чамаланган.

Жавобгарлик назариясини қуйидагича тушунтириш мумкин:

Деликт жавобгарлиги назарияси: Давлат ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида рақамли маконда келтирилган зарар учун жавобгар бўлиши мумкин.

Шартномавий жавобгарлик назарияси: Мазкур назария давлат контрактларини ижро этишда ва давлат харидларини амалга оширишда ва хизматларни таклиф қилишда долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Ўқотишлар учун жавобгарлик назарияси: Фуқаролар ёки юридик шахслар учун молиявий зарарларга олиб келса ва бу ҳаракатлар давлат томонидан амалга оширилганлиги сабабли, бу ҳолларда давлат жавобгар бўлади ва мазкур назария қўлланилади.

Тартибга солиш соҳасида жавобгарлик назарияси: Мазкур назария давлат органлари томонидан ўзининг тартибга солиш функцияларини амалга оширмаган ҳоллардагина бундай вазиятларни ўз ичига қамраб олади, негаки бундай ҳоллар негатив оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

СИнинг ҳаракатлари учун жавобгарлик назарияси: СИнинг ривожланиши билан алгоритм асосида СИ томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун, айниқса, давлат тузилмаларида тегишли жавобгарликни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кибертаҳдидлар учун жавобгарлик назарияси: рақамли иқтисодиёт шароитида давлат маълумотларни сақлаш ва киберхужумлардан ҳимоялаш соҳасидаги масъулиятга эга бўлиши лозим, агарда бу масъулиятни сифатсиз бажарилиши фуқаролар ва юридик шахсларнинг маълумотларидан фойдаланиш, бу шахсларга моддий ва номоддий зиён етказиш ҳоллари мавжуд бўлиш хавфи реал ҳолатга айланиши мумкин. Шунинг учун давлат бу соҳада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Белорже Ж.-М. Правовые формы публичного участия в коммерческой деятельности во Франции // Участие государства в коммерческой деятельности. – Москва, 2001.
2. Братусь С.Н. Юридическая личность государства и бюджетных учреждений // Ученые труды. Вып. 9. – Москва, 1947.
3. Гражданское и торговое право зарубежных государств. – Москва: Международные отношения, 1993. – 175 с.
4. Гринкевич А.П. Гражданско-правовое положение казны: дис. ...канд. юрид. наук. – Москва, 1995.
5. Дозорцев В.А. Гражданско-правовой статус государственных учреждений // Государство и право, 1975. – №5.
6. Национальная база данных законодательства, 06.04.2019, 08/19/5464/2891.
7. Прус Е. Субсидиарная ответственность публично-правовых образований по обязательствам учреждений // Хозяйство и право, 2004. – №12.
8. Рахмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТҒЮИ, 2005.
9. Суханов Е.А. Об ответственности государства по гражданско-правовым обязательствам // Социальногуманитарное и политологическое обозрение, 2006. – №8. – С.5.
10. Эгамбердиева Н.Х. Основы и формы гражданско-правовой ответственности: автореф. ...дис. канд. юрид. наук. – Ташкент, 2006.
11. Ronald Dworkin, Law's empire 47 (1986) (setting forth an interpretive theory of law); John Finnis, Natural Law and Natural rights 280-81 (1980) (setting forth a natural law theory of law); H.L.A. Hart. The Concept of Law 181-82 (1961) (setting forth a positivist theory of law).
12. Charles Fried. Contract as Promise 1 (1981) (offering a theory of contract law); Stephen A.Smith. Contract Theory 5 (2004) (offering a summary of

contemporary contract law theory); Ernest J. Weinrib. *The Idea of Private Law* 3-4 (1995) (offering a theory of tort law).

13. See generally Gregory Klass, *Three Pictures of Contract: Duty, Power, and Compound Rule*, 83 N.Y.U. L. REV. 1726, 1727-28 (2008) (discussing contract as a power-conferring rule).